

Фаргона ш.

Бундан буён “Буюртмачи” деб аталувчи – “Фаргона автомобил йуллари худудий бош бошкармаси” номидан Низом асосида иш юритувчи бошкарма бошлиғи О.Назиров орқали ва бундан буён “«Бажарувчи»” деб аталувчи – «YO’L LOYIHA BYUROSИ» МЧЖ Фаргона вилояти филиали номидан 05.01.2022йилдаги 11-сонли ишончнома асосида иш юритувчи филиал бошлиғи Т. Абдуллаев “Буюртмачи” нинг 16-Май 2022 йилда ўтказилган танлов натижаларининг № 78398 –сонли баёнига асосан куйидаги шартномани тuzдилар:

1. Шартнома предмети

1.1. “Буюртмачи” 2022 йил учун ажратилган лимит доирасида 202 км узунликдаги халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш ишлари лойиҳа смета хужжатларини ишлаб чиқиш хизматини топширади, “Бажарувчи” эса ўз зиммасига олади.

1.2. Шартнома тақдим этилган тасдиқланган камчиликлар далолатномаларига асосан смета хужжатларини бажариш боғлиқ ишларга тuzилган.

1.3. Смета хужжатларини ишлаб чиқариш шартнома ғазначиликдан рўйхатдан ўтиб ва “Буюртмачи” томонидан бирламчи хужжатлар тақдим этилган кундан бошланиб, 10 кун муддатда тугатилади.

2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қондалари

2.1. Ишларни амалга ошириш баҳоси ҚҚС билан 101 000 000 (Бир юз бир миллион) сўмни ташкил қилади.

2.2. “Буюртмачи” шартнома имзоланган кундан бошлаб беш банк кунида шартнома баҳосининг 30 % миқдоридан аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Ҳар бир босқичда бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш “Буюртмачи” томонидан тасдиқланган далолатномалар асосида ажратилган аванс маблағи миқдори белгиланган фоиз доирасида ушлаб қолиниб амалга оширилади.

2.4. “Буюртмачи” ишларни топшириш-қабул қилиш оралиқ далолатномалари имзолангандан сўнг 5 банк куни мобайнида “Бажарувчи” га ҳақ тўлашни ўз зиммасига олади.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми “Буюртмачи” томонидан ўзгартирилганда.

3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. “Бажарувчи” ишларни дастлабки маълумотлар ва келишилган график асосида вақтида бажаришни, “Буюртмачи” билан бажариладиган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишишни ўз зиммасига олади.

3.2. “Буюртмачи” ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни «Бажарувчи»нинг сўрови асосида тақдим қилади.

3.3. “Буюртмачи” шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш, ишларнинг шартномада кўрсатилган ҳажм ва шартларга мувофиқ бажарилишида “Бажарувчи” га ёрдам кўрсатиш, бажарилган ишлардан шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланиш, “Бажарувчи”нинг розилигисиз шартнома бўйича бажарилган ишларни учинчи шахсга бермаслик ва ундаги маълумотларни тарқатмасликни ўз зиммасига олади.

3.4. “Буюртмачи” томонидан дастлабки тўлов ҳақи ўз вақтида ўтказилмаган ҳолда ишларни тугаллаш муддати ҳам тўлов ҳақи кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

3.5. Ушбу шартнома бўйича «Бажарувчи» ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, келишилган кўшимча муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз ҳисобидан қайтадан бажаради.

3.6. Мазкур шартноманинг 2.4-банди бажарилмаган ҳолда «Бажарувчи» бухгалтерия ҳисоб-китобларини ўзаро солиштириш далолатномаси ёки бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномалари асосида “Буюртмачи”нинг банкдаги барча турдаги ҳисоб-рақамларидан инкассо талабномаси кўйиш орқали пулни ундиришга тўлиқ ҳақли.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичларида ва шартномада кўрсатилган ишлар тўлиқ бажарилгандан сўнг «Бажарувчи» томонидан расмийлаштириб «Буюртмачи»га топширилиши керак бўлган ҳисобот ҳужжатлари топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида Буюртмачига топширилади.

4.2. «Буюртмачи»ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.1 бандида кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини олган кунидан бошлаб 5 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва «Бажарувчи»га имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар «Буюртмачи»ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида «Бажарувчи»га камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда «Буюртмачи»ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини «Бажарувчи»га қайтариши шарт.

4.3. «Буюртмачи»ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4.6. Лозим топилган ҳолларда томонлар ҳолис экспертларга Лойиха бўйича ҳулоса учун муурожаат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

5. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида «Бажарувчи» ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этилади.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

6.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда «Буюртмачи»ва «Бажарувчи» ишларни давом эттириш ёки уларни тўхтатиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

6.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

7. Қўшимча шартлар

7.1. «Бажарувчи» лойихани муддатидан олдин бажарган ҳолда, «Буюртмачи»уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қилади ва тўла тўловни амалга оширади.

7.2. Ўзаро мулоқат йўли билан ҳал қилинмаган муаммолар конун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал қилинади.

7.3. «Буюртмачи»томонидан дастлабки тўлов ўз вақтида ўтказилмаган ҳолда ёки дастлабки маълумотларни тақдим қилиш кечиктирилганда ишларни тугаллаш муддати тўлов ёхуд тақдим кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

7.4. «Бажарувчи» мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни бажариш «Буюртмачи»билан келишган ҳолда учинчи шахсларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

7.5. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиққан ҳолларда, томонлар келишувга эришмаган тақдирда, конунларда белгиланган тартибда иқтисодий судларда ҳал қилинади.

7.6. «Буюртмачи»томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширганда шартлашилган тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,1 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси шартнома нархининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.7. «Бажарувчи» томонидан бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар муддати кечиктирилганда «Буюртмачи»га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,1 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.8. Агар «Буюртмачи»нинг мазкур шартнома тузилган кун ҳолатига аввалги шартномалар бўйича «Бажарувчи» олдида қарздорлиги бўлса, «Бажарувчи» ушбу шартномага асосан тўланган пул маблағларидан энг аввало қарздорликни ушлаб қолишга ва қарздорлик ёпилгандан кейин қолган маблағларни ушбу шартнома бўйича ҳисобга олишга ҳақли.

7.9. Тўланган пеня, неустойка ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

7.10. Мазкур шартнома томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амал қилади.

7.11. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди ва бир хил юридик кучга эга.

8. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

Буюртмачи

«Фарғона автомобил йуллари
худудий бош бошқармаси»

Манзил: Фарғона шаҳар Аэропорт
кўчаси 1- уй

Тел./факс: 226-39-46; 226-36-55.

шҒХ: 3045108603040404515118001

Ташкилотнинг СТИРи: 200153714

ОКЭД: 84130

Фарғона вилоят газначилик бошқармаси

ЯҒХ: 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент
шаҳар Бош бошқармаси ХҚКМ

МФО: 00014

Газначилик бўлинмасининг

СТИРи: 201122919

«Бажарувчи»

"YO'L-LOYIHA BYUROSИ" МЧЖ

100000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳ кўчаси, 68-уй

Телефон: 237-38-55, 237-26-01

e-mail: ylb_farona@mail.ru

Х/р: 2020 8000 8040 1094 1001

АКИБ «Ипотека-Банк»

Яшнобод бўлими

МФО: 00959

ИНН: 300 112 785

ОКОНХ: 66000

ОКЭД: 71110



О. Назиров

Ҳуқуқ шунос
А. Соатов

Имзолар



Т. Абдуллаев

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 78398 на приобретение 2022 йил учун ажратилган лимит доирасида 202км узунликдаги халқаро ахамиятдаги автомобиль йўллари жорий таъмирлаш ишлари лойиха смета хужжатларини ишлаб чиқиш хизмати

Способ проведения электронный

Дата 16.05.2022

Время рассмотрения 16.05.2022 09:35

Конкурсная комиссия Фаргона вилояти Автомобиль йўллари бош бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	MAXMUDOV AVAZBEK ABDURAXMONOVICH	Бош мухандис	Фаргона вилояти АЙББ
Секретарь комиссии	MAXMUDOV AKMALJON AKBAROVICH	Бош мутахассис	Фаргона вилояти АЙББ
Член комиссии	EGAMBERDIYEV ILXOM IKRAMJONOVICH	Бош мутахассис	Фаргона вилояти АЙББ
Член комиссии	MIRZAXMEDOV MIRVOXID ISMOILOVICH	Бўлим бошлиғи	Фаргона вилояти АЙББ
Член комиссии	MADAMINOV ANVARJON ALIMUXAMMAD O'G'LI	Бош мутахассис	Фаргона вилояти АЙББ
Член комиссии	KETMONOV XASANBOY ESONOVICH	Бўлим бошлиғи	Фаргона вилояти АЙББ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 16.05.2022 года № лота 78398.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 30

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по разработке проектно-сметных работ
Подробное описание	2022 йил учун ажратилган лимит доирасида 202 км узунликдаги халқаро ахамиятдаги автомобиль йўллари жорий таъмирлаш ишлари лойиха смета хужжатларини ишлаб чиқиш хизмати
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	101 407 814.00
Стартовая сумма	101 407 814.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов иштирокчисининг молиявий ҳолати маълумотлар булиши лозим.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг молиявий ҳолати маълумотлар булиши лозим.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ANDIJON AYBIL" Хусусий корхонаси	10	Текстовое значение	10	Экспертная		
UNIVERSAL VARIANT MCHJ	10	101,300,000.00	9	Экспертная		
YoI-loyiha byurosi MCHJ	10	101,000,000.00	10	Экспертная		

Критерий №2 Автомобил йуларини лойihalаш фаолиятига лицензияга эга булиш.

Тип: Текстовое значение

Описание: Автомобил йуларини лойihalаш фаолиятига лицензияга эга булиш.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ANDIJON AYBIL" Хусусий корхонаси	10	Текстовое значение	10	Экспертная		
UNIVERSAL VARIANT MCHJ	10	101,300,000.00	10	Экспертная		
YoI-loyiha byurosi MCHJ	10	101,000,000.00	10	Экспертная		

Критерий №3 Курилиш Вазирлиги томонидан берилган лойиха ташкилотлари рейтингига кирган булиши лозим.

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш Вазирлиги томонидан берилган лойиха ташкилотлари рейтингига кирган булиши лозим.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ANDIJON AYBIL" Хусусий корхонаси	10	Текстовое значение	10	Экспертная		
UNIVERSAL VARIANT MCHJ	10	101,300,000.00	10	Экспертная		
YoI-loyiha byurosi MCHJ	10	101,000,000.00	10	Экспертная		

Критерий №4 Объектни жойида урганганлиги тугрисида маълумот булиши лозим.

Тип: Текстовое значение

Описание: Объектни жойида урганганлиги тугрисида маълумот булиши лозим.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ANDIJON AYBIL" Хусусий корхонаси	10	Текстовое значение	5	Экспертная		
UNIVERSAL VARIANT MCHJ	10	101,300,000.00	10	Экспертная		
YoI-loyiha byurosi	10	101,000,000.00	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
МСНҲ						

Критерий №5 Олдинги йилларда умумий фойдаланишдаги автомобил йулларида жорий таъмирлашга лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажарган бўлиши лозим.

Тип: Текстовое значение

Описание: Олдинги йилларда умумий фойдаланишдаги автомобил йулларида жорий таъмирлашга лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажарган бўлиши лозим.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ANDIJON AYBIL" Хусусий корхонаси	10	Текстовое значение	10	Экспертная		
UNIVERSAL VARIANT МСНҲ	10	101,300,000.00	9	Экспертная		
Yol-loyiha byurosi МСНҲ	10	101,000,000.00	10	Экспертная		

Критерий №6 Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқишда фойдаланиладиган жиҳозлар ва техникалар-нинг рўйхати булиши лозим.

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқишда фойдаланиладиган жиҳозлар ва техникалар-нинг рўйхати булиши лозим.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ANDIJON AYBIL" Хусусий корхонаси	10	Текстовое значение	10	Экспертная		
UNIVERSAL VARIANT МСНҲ	10	101,300,000.00	9	Экспертная		
Yol-loyiha byurosi МСНҲ	10	101,000,000.00	10	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
"ANDIJON AYBIL" Хусусий корхонаси	101 407 814.00	81 126 251.00	06.05.2022 15:40:06	10.00
Yol-loyiha byurosi МСНҲ	101 407 814.00	101 000 000.00	10.05.2022 08:51:22	8.03
UNIVERSAL VARIANT МСНҲ	101 407 814.00	101 300 000.00	09.05.2022 13:02:16	8.01

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
"ANDIJON AYBIL" Хусусий корхонаси	82.5003	10	92.5003
Yol-loyiha byurosi MCHJ	90	8.03	98.03
UNIVERSAL VARIANT MCHJ	85.5	8.01	93.51

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 78398 от 16.05.2022 года на приобретение 2022 йил учун ажратилган лимит доирасида 202км узунликдаги халқаро ахамиятдаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш ишлари лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш хизмати определила победителем:

Yol-loyiha byurosi MCHJ
300112785

и резервный исполнитель: UNIVERSAL VARIANT MCHJ (303411618)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	MAXMUDOV AVAZBEK ABDURAXMONOVICH	Согласен	
Член комиссии	MADAMINOV ANVARJON ALIMUXAMMAD O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	EGAMBERDIYEV ILXOM IKRAMJONOVICH	Согласен	
Член комиссии	MIRZAXMEDOV MIRVOXID ISMOILOVICH	Согласен	
Член комиссии	KETMONOV XASANBOY ESONOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП